

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 июнь 2018 й.г.

№ 462

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари
фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига
ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726- сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, тавсияномалар қўйидагиларга:

мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар-хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)нинг хақиқий хизматни ўтаётган офицерларига, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга - бевосита командирлари (бошчиликлари) тавсияномасига асосан улар фарзандларининг олий таълим муассасаларига ўқишига кириши учун;

ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилари фарзандларига берилади.

Тавсияномалар бланкаларини тайёрлаш вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ҳар йили ушбу вазирликлар ва идоралар учун назарда тутиладиган маблағлар хисобига “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар:

2018 йилда тавсияномалар бериш тадбирларини жорий йилнинг июнъ ойида ушбу қарор билан тасдиқланадиган Низом талабларига мувофиқ амалга оширилар;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 июнданги
462-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари
фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига
ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда олий таълим муассасалари деб аталади) ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар куйидагиларга берилади:

мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар-хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган ҳақиқий хизматни ўтаётган офицерларга, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган, контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга (кейинги ўринларда ҳарбий хизматчилар деб аталади) – улар фарзандларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун бевосита командирларнинг (бошлиқларнинг) тавсияси бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклда;

ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикаст олиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига – мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклда.

3. Тавсияномалар бланклари қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади, ҳисоб серияси, рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади, “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

4. Тавсияномалар мазкур Низомнинг 3-иловасидаги схема бўйича ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини Ўзбекистон Республикасининг битта олий таълим муассасасига бир марта кириши учун уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

2-боб. Тавсияномаларни бериш тартиби

5. Тавсияномаларни бериш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликларда (идораларда) вазирлик (идора) раҳбарининг тегишли масалалар бўйича ўринбосари раислигида комиссия тузилади.

Камида беш нафар раҳбар ходимлар ва ваколатли мутахассислардан иборат бўлган комиссия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик (идора) раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Ҳар йили март ойида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи тегишли вазирлик (идоралар) комиссияларида қўйидагилар кўриб чиқилади:

ҳарбий хизматчилар фарзандларининг олий ҳарбий таълим муассасалариға ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш тўғрисидаги тавсиялари билан командирлар (бошлиқлар)нинг таклифлари;

ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи вазирлик ва идораларнинг офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибиға мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари рўйхатлари.

7. Командир (бошлиқ)лар комиссияга кўриб чиқиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади

а) ҳарбий хизматчига:

бевосита командир (бошлиқ)нинг тавсияномаси;

маълумотнома-объективка;

биографик маълумотлар;

хизмат фаолияти натижалари бўйича батафсил ҳисобот;

ҳарбий хизматчи фарзандининг паспорти ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхалари;

б) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчига:

вазирлик (идора) ҳудудий органи, мудофаа ишлари бошқармаси бошлигининг тавсияномаси;

ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлганлиги тўғрисида вазирлик (идора) раҳбарининг буйруғидан кўчирма;

ҳарбий хизматчининг ўлими ҳақидаги гувоҳномадан нусха;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи фарзандининг паспорти ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхалари;

в) ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчига:

вазирлик (идора) ҳудудий органи, мудофаа ишлари бошқармаси бошлигининг тавсияномаси;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ногиронлиги ҳақидаги маълумотнома;

ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар бўйича ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказадиган муассасанинг хулосаси;

ҳарбий хизматчи фарзандининг паспорти ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхалари.

Мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

8. Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи вазирликлар (идоралар)нинг комиссияларига кўриб чиқиш учун ҳар йили 15 марта гача тақдим этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи вазирликлар (идоралар)нинг комиссиялари ҳарбий хизматчилар тақдим этган ҳужжатларни ҳар йили 1 апрелгача кўриб чиқади. Бунда мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса кўшган, жанговар-хизмат ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Комиссия йигилиши якунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раисининг имзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи тегишли вазирлик (идора)нинг гербли мухри билан тасдиқланади.

10. Тавсиянома олган ҳарбий хизматчиларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибиға киравчи вазирликлар (идоралар) Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда олий таълим муассасаларига ўқишига кириш учун тавсияномалар берилган, ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг рўйхатларини ҳар йили 1 майгача мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган шаклда юборадилар.

3-боб. Якунловчи қоидалар

12. Комиссиянинг ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий
хизматчилари фарзандларининг квота асосида республика олий
таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Тавсиянома бланкасининг шакли

<p>T A V S I Y A N O M A QK 000000</p> <p>_____ -yilda tug‘ilgan, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida _____ - harbiy qismda (muassasada) harbiy xizmatni o‘tayotgan (harbiy unvoni, familiyasi, ismi, otasining ismi) ga berildi.</p> <p>Tavsiyanoma _____ (vazirlik (idora) rahbarining 20____ -yil “____” dagi ____ - sonli buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>M. O‘. _____ (vazirlik (idora) mansabdar shaxsining unvoni, imzosi, familiyasi, ismi, otasining ismi)</p> <p>_____ (tavsiyanoma berilgan harbiy xizmatchining familiyasi va imzosi) 20____ - yil “____”</p>	<p>T A V S I Y A N O M A QK 000000</p> <p>_____ -yilda tug‘ilgan, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida _____ - harbiy qismda (muassasada) harbiy xizmatni o‘tayotgan (harbiy unvoni, familiyasi, ismi, otasining ismi) ga berildi.</p> <p>Ushbu tavsiyanoma egasining farzandi _____ (familiyasi, ismi, otasining ismi, _____ ga pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami) O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagи PQ-3726-son qaroriga muvofiq yo‘nalishlar bo‘yicha bakalavrlar (ikkinchi va keyingi oliy ma’lumot bundan mustasno) tayyorlashda respublikaning barcha oliy ta’lim muassasalariga kirishda ajratilgan besh foizli qabul kvotasi doirasida tanlovda ishtirok etish imtiyozi beriladi.</p> <p>Tavsiyanoma _____ rahbarining 20____ -yil “____” dagi (vazirlik (idora) _____ - son buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>Tavsiyanoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e’tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo‘ladi.</p> <p>M.O‘. _____ (vazirlik (idora) mansabdar shaxsining unvoni, imzosi, familiyasi, ismi, otasining ismi) 20____ - yil “____”</p>
--	--


Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий
хизматчилари фарзандларининг квота асосида республика олий
таълим муассасаларига ўқишига кириши учун тавсияномалар
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Тавсиянома бланкасининг шакли

<p>T A V S I Y A N O M A QK 000000</p> <p>_____ -yilda tug‘ilgan, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida _____ - harbiy qismda (muassasada) harbiy xizmatni o‘tagan, harbiy xizmat vazifasini bajarish vaqtida halok bo‘lgan, hamda harbiy xizmat vazifasini bajarish vaqtida olgan kasalligi, kontuziya, jaroxati oqibatida nogironlik orttirgan _____ ga berildi. (harbiy unvoni, familiyasi, ismi, otasining ismi)</p> <p>Tavsiyanoma _____ rahbarining 20 _____ -yil “ _____ ” dagi _____ - sonli buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>M. O‘. (vazirlik (idora) mansabдор shaxsining unvoni, imzosi, familiyasi, ismi, otasining ismi) _____ (tavsiyanoma berilgan shaxsning familiyasi va imzosi) 20 _____ - yil “ _____ ” _____</p>	<p>T A V S I Y A N O M A QK 000000</p> <p>_____ -yilda tug‘ilgan, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida _____ - harbiy qismda (muassasada) harbiy xizmatni o‘tagan, harbiy xizmat vazifasini bajarish vaqtida halok bo‘lgan hamda harbiy xizmat vazifasini bajarish vaqtida olgan kasalligi, kontuziya, jaroxati oqibatida nogironlik orttirgan _____ ga berildi. (harbiy unvoni, familiyasi, ismi, otasining ismi)</p> <p>Ushbu tavsiyanoma egasining farzandi _____ (familiyasi, ismi, otasining ismi, ga pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)</p> <p>O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagи PQ-3726-son qaroriga muvofiq yo‘nalishlar bo‘yicha bakalavrлar (ikkinchи va keyingi oliy ma’lumot bundan mustasno) tayyorlashda respublikaning barcha oliy ta’lim muassasalariga kirishda tanlovsiz belgilangan qabul kvotasidan tashqari davlat grantiga asosan o‘qishga kirish imtiyozi beriladi.</p> <p>Tavsiyanoma _____ rahbarining 20 _____ -yil “ _____ ” dagi (vazirlik (idora)) _____ - son buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>Tavsiyanoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e’tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo‘ladi.</p> <p>M.O‘. (vazirlik (idora) mansabдор shaxsining unvoni, imzosi, familiyasi, ismi, otasining ismi) 20 _____ - yil “ _____ ” _____</p>
--	---

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчилари
фарзандларининг квота асосида республика олий таълим
муассасаларига ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчилари фарзандларининг
квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш
СХЕМАСИ**



III боскич

1. Комиссия харбий хизматчига тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади.
(Комиссия ийгилиши якунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раисининг имзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи тегишли вазирлик (идора)нинг гербли мухри билан тасдиқланади).
2. Кўриб чикиш якунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар (идоралар)
комиссияларининг
раислари

Хар юли
1 апрелгача

IV боскич

1. Вазирлик (идора) тегишли раҳбари буйруғи чиқарилади.
2. Ҳарбий хизматчи фарзандларининг республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар берилади.
3. Ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чогида вафот этган, шунингдек, ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чогида жароҳат олган, контузияга учраган, шикастланган ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фарзандлари рўйхатлари Давлат комиссиясига юбопилили.

Вазирликлар (идоралар)
раҳбарлари, ҳарбий қисмлар
ва муассасалар
командирлари
(бошликлари)

Хар юли
1 майгача

V боскич

- Давлат комиссияси ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чогида вафот этган, шунингдек, ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чогида жароҳат олган, контузияга учраган, шикастланган ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг ушбу Низомда назарда тутилган тартибда олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиялар берилган фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқади.

Давлат комиссиялари
(таълим муассасалари
бўйича АТД) ишчи органи

Хар юли
15 июнгача

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий
хизматчилари фарзандларининг квота асосида республика олий
таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чогида ҳалок бўлган, ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки
касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун
тавсияга эга бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандлари**
РЎЙХАТИ

Т/р	Абитуриент (номзод)нинг фамилияси, исми, отасининг исми	Абитуриент (номзод) паспорти (гувоҳномаси)нинг серияси ва номери	Қайси вазирлик (идора) вакили	Таълимнинг режалаштирилаёт- ган йўналиши	Тавсиянома номери	Изоҳ
1.						
2.						
3.						